

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил декабрь ойининг 25 куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг кассация инстанцияси, ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Ф.Халилов,

судлов ҳайъати судьялари: Т.Касимов ва А.Абдулхаевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Бахромовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ж.Козимов, жабрланувчи А.Жўраев ВКС режимида, судланган М.Мирзажалиловнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат Ш.Қаландарованинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2025 йил 30 сентябрдаги ҳукмига кўра:

1996 йил 8 августда Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, бир нафар фарзанди бор, ишламаган, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2018 йил 12 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисми билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан жазо шартли ҳисобланиб, синов муддати белгиланган.

2) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 30 майдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган.

3) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 13 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган.

4) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2022 йил 12 октябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тугатилган.



5) жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2022 йил 16 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

6) жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 2023 йил 27 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида 2 йил 11 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

7) Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 15 майдаги ажрими билан ўзгартирилган жиноят ишлари бўйича Паркент туман судининг 2023 йил 12 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 2 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

8) жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2023 йил 27 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 2 йил 9 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2024 йил 29 августдаги ажрими билан ўталмай қолган 1 йил 4 ой 13 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

9) Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 17 июндаги ажрими билан ўзгартирилган жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2025 йил 11 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

10) жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг 2025 йил 30 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди



билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида 2 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

11) жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2025 йил 1 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ЖК 59-моддаси 8-қисми тартибида 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, “Муқумий” МФЙ, Мозортаги кўчаси, 50-уйда яшаган, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланиб, 2025 йил 18 мартдан буён қамокда сақланаётган Мирзажалилов Мирзахаким Акмалжон ўғли (Mirzajalilov Mirzahakim Akmaljon o'g'li)га

нисбатан 1-1009-2501/488-сонли жиноят иши бўйича чиқарилган ҳукмга нисбатан судланган М.Мирзажалилов томонидан келтирилган кассация шикоятини жиноят иши билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2025 йил 30 сентябрдаги ҳукмига кўра, М.Мирзажалилов Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 5 йил, ЖКнинг 58-моддаси 8-қисми тартибида 6 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Судланган М.Мирзажалиловдан жабрланувчи А.Жўраев фойдасига 4.798.760 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Мирзажалилов хавфли рецидивист бўлгани ҳолда алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2024 йилни 27 декабрь куни “телеграмм” ижтимоий тармоғи орқали Жанубий Корея Республикасининг Тегу шаҳрида жойлашган “Daekyung” университетининг талабаси бўлган Жўраев Азизбек Раҳматулла ўғли билан ўзаро мулоқот ўрнатишга эришиб, унга Ўзбекистон Республикасига қайтиши учун авиабилет сотиб олиб беришни айтиб, уни алдаб, ўзининг номига расмийлаштирилган “9860 9002” сонли пластик карта рақамига жами 8.798.760 сўм миқдоридagi пул маблағларини ўтказиб олишга эришиб, берган ваъдасини бажармасдан, унга сохта кўринишдаги авиабилет суратини жўнатиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пул маблағларини ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланган М.Мирзажалилов кассация шикоятида, иш бўйича етказилган моддий зарар тўлиқ қоплаб берилишини инобатга олиб,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисми талабларига асосан унга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгартириб, енгиллик қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Ф.Халиловнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ж.Козимовнинг зарар қопланганлиги муносабати билан суд ҳукмини ўзгартириш ҳақида, жабрланувчи А.Жўраевнинг ВКС режими орқали моддий зарар қопланганлиги сабабли судланган М.Мирзажалиловга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида, адвокат Ш.Қаландарованинг шикоят важларини қаноатлантириб, ҳукми ўзгартириш ҳақида билдирган фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида таҳлил қилиб, суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан ишни судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22, 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Биринчи инстанция суди М.Мирзажалиловнинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келиб, ҳаракатларини ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилган.

Шунингдек, суд М.Мирзажалиловга нисбатан жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини эътироф этган ҳолда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига риоя этиб, унинг айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан пушаймонлиги билан бир қаторда жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланмаганлигини инобатга олиб, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан санкция доирасида ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида тўғри хулосага келган.

Кассация инстанцияси судида жабрланувчи А.Жўраев унга нисбатан етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли судланган М.Мирзажалиловга нисбатан даъвоси йўқлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим



масалалари ҳақида”ги 4-сонли қарорининг 9-бандида, судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра қуйидаги ҳолларда, яъни ЖК 167, 168, 180, 181, 181¹, 184, 185², 192⁴, 192¹¹-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши;

шу муносабат билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов инстанциясида қопланганлигидан қатъий назар, қамокда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 491-моддасида, ишни апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўриб чиқаётган суд етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги тегишли моддаси нормасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда ҳукмни ўзгартириши белгиланган.

Юқоридаги асосларга кўра, судлов ҳайъати иш бўйича етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги ва жабрланувчи А.Жўраевнинг судланган М.Мирзажалиловга нисбатан даъвоси йўқлиги сабабли М.Мирзажалиловга оид суд ҳукмини ўзгартириб, унга нисбатан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан санкция доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддалари тартибида илгариги ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509⁹-509¹⁰-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2025 йил 30 сентябрдаги Мирзажалилов Мирзахаким Акмалжон ўғли (Mirzajalilov Mirzahakim Akmaljon o'g'li)га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгартирилсин.

Мирзажалилов Мирзахаким Акмалжон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан иш



ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

М.Мирзажалиловга Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг 2025 йил 1 июлдаги ҳукми билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 6 (олти) йил 7 (етти) ой озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ҳукмнинг 4.798.760 сўм моддий зарарни ундириш қисми бекор қилинсин.

Жабрланувчи А.Жўраевга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Ф.Халилов

Ҳайъат судьялари:

имзо

Т.Касимов

имзо

А.Абдулхаев

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

